

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2019 йил 28 февралдаги 9-сонли қарорига
ИЛОВА

Меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш бўйича
Услубий низом

Меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш бўйича Услубий низом (кейинги ўринларда – Услубий низом) “Миллий ҳисоблар тизими – 2008” (кейинги ўринларда – МХТ-2008) йўриқномасига мувофиқ макроиқтисодий ҳисоб-китобларни амалга оширишда таҳлилий ишларни такомиллаштириш мақсадида тайёрланган.

Ушбу Услубий низом Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси ва ҳудудлар, шунингдек, иқтисодий фаолият турлари бўйича меҳнат унумдорлиги ҳамда меҳнат унумдорлиги индексларини ҳисоблаш тартибини белгилайди.

1. Умумий қоидалар

1. Ушбу Услубий низомда қуйидаги асосий терминлар ва таърифлар қўлланилган:

ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ), ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати (ишлаб чиқариш) ва ишлаб чиқариш жараёнида тўлалигича истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар қиймати (оралиқ истеъмол) ўртасидаги фарқ орқали аниқланади;

ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати орқали ўлчанадиган МХТнинг асосий кўрсаткичларидан биридир;

ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ) – ҳудуднинг ривожланишини умумлаштирувчи кўрсаткич. ЯХМ иқтисодий моҳиятига кўра ЯИМга тенг кўрсаткич ҳисобланади ва у ўзида ушбу ҳудуднинг резидентлари бўлган иқтисодий бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қийматини ифодалайди;

иқтисодиётда банд бўлган аҳоли - ёлланиб ишлаётганлар, шу жумладан ишларни тўлиқ бўлмаган иш вақти мобайнида ёки уйда иш ҳақи олиб бажараётган, шунингдек, ҳақ тўланадиган бошқа ишга, шу жумладан вақтинчалик ишга эга бўлган фуқаролар; касаллик, таътил, қайта тайёргарлик, малака ошириш, ишлаб чиқаришнинг тўхтаб туриши туфайли, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинчалик ишда бўлмаган ходим учун иш жойи сақланиб қоладиган бошқа ҳолатларда иш жойида вақтинчалик бўлмаган фуқаролар; ҳақ тўланадиган лавозимга сайланган ёки тайинланган фуқаролар; ўзини мустақил равишда иш билан таъминловчи фуқаролар, жумладан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар, ҳунармандлар, деҳқон хўжаликлари, ишлаб чиқариш кооперативлари аъзолари, фермерлар ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа фаолият

турлари билан шуғулланувчилар; Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, жумладан, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати қўшинларида хизматни, шунингдек, муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар ва бошқалар; нодавлат нотижорат ташкилотларида, шу жумладан, ўз фаолиятини қонунчиликка мувофиқ амалга ошираётган диний ташкилотларда ишловчилар;

меҳнат унумдорлиги индекси ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичи бўлиб, у меҳнат унумдорлиги ўзгаришини тавсифлайди;

ЯИМ (ЯХМ, ЯҚҚ) физик ҳажм индекси доимий нархларда, яъни ўтган йилнинг мос даври нархларида ҳисобланган ҳисобот даври ЯИМ (ЯХМ, ЯҚҚ)ини (реал ЯИМ (ЯХМ, ЯҚҚ)), жорий нархлардаги ўтган йилнинг мос даври ЯИМ (ЯХМ, ЯҚҚ)ига нисбати орқали ҳисобланади;

меҳнат унумдорлиги – фойдаланилган меҳнат ресурслари бирлиги учун тўғри келадиган ишлаб чиқариш ёки ялпи қўшилган қийматни тавсифлайдиган ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичи.

2. Меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш республика ва ҳудудлар, шунингдек, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат асосида йиллик ва чораклик тартибда амалга оширилади.

2. Меҳнат унумдорлигини ҳисоблашнинг асосий йўллари ва ахборот манбалари

3. Меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш учун ахборот манбалари бўлиб, Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ шакллантирилган ЯИМ (ЯХМ, ЯҚҚ) ва банд аҳоли сони бўйича расмий статистика маълумотлари ҳисобланади.

4. Меҳнат унумдорлиги ЯИМ, ЯХМ ва иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича ЯҚҚни мос равишда республика, ҳудудлар ва тегишли иқтисодий фаолият турлари бўйича иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сонига нисбати орқали ҳисобланади.

5. Ялпи қўшилган қиймат бўйича меҳнат унумдорлиги Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (кейинги ўринларда – ИФУТ-2)га мувофиқ иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳисобланади. Меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш учун иқтисодий фаолият турлари рўйхати 1-иловага мувофиқ келтирилган.

6. Республика бўйича меҳнат унумдорлиги қуйидаги формула, яъни жорий нархлардаги ЯИМни республика иқтисодиётида банд бўлган аҳоли сонига нисбати орқали ҳисобланади:

$$МУ_{\text{ЯИМ}} = \frac{\text{ЯИМ}}{\text{БА}}$$

бу ерда, $МУ_{\text{ЯИМ}}$ - республика бўйича меҳнат унумдорлиги (минг сўм / киши);

ЯИМ - жорий нархлардаги ЯИМ (миллион сўм);

БА - республика иқтисодиётида банд бўлган аҳоли сони (минг киши).

7. Ҳудудлар бўйича меҳнат унумдорлиги қуйидаги формула, яъни жорий нархлардаги ЯХМни ҳудудлар иқтисодиётида банд бўлган аҳоли сонига нисбати орқали ҳисобланади:

$$МУ_{ЯХМ} = \frac{ЯХМ}{БА}$$

бу ерда, $МУ_{ЯХМ}$ – ҳудудлар бўйича меҳнат унумдорлиги (минг сўм / киши);

$ЯХМ$ – жорий нархлардаги ЯХМ (миллион сўм);

$БА$ – ҳудудлар иқтисодиётида банд бўлган аҳоли сони (минг киши).

8. Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича ЯҚҚ асосида меҳнат унумдорлиги қуйидаги формула, яъни иқтисодий фаолият турлари бўйича жорий нархлардаги ЯҚҚни тегишли иқтисодий фаолият турлари бўйича банд бўлган аҳоли сонига нисбати орқали ҳисобланади:

$$МУ_{ИФТ} = \frac{ЯҚҚ_{ИФТ}}{БА_{ИФТ}}$$

бу ерда, $МУ_{ИФТ}$ – иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҚҚ асосида ҳисобланган меҳнат унумдорлиги (минг сўм / киши);

$ЯҚҚ_{ИФТ}$ – иқтисодий фаолият турлари бўйича жорий нархлардаги ЯҚҚ (миллион сўм);

$БА_{ИФТ}$ – тегишли иқтисодий фаолият тури бўйича банд бўлган аҳоли сони (минг киши).

3. Меҳнат унумдорлиги индексини ҳисоблаш

9. Республика ва ҳудудлар, шунингдек, иқтисодий фаолият турлари бўйича меҳнат унумдорлиги динамикасини ўрганиш мақсадида меҳнат унумдорлиги индекси ҳисобланади. Меҳнат унумдорлиги индексини ҳисоблаш учун республика, ҳудудлар ва тегишли иқтисодий фаолият турлари бўйича иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони индекси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$I_{БА} = \frac{БА_t}{БА_{(t-1)}}$$

бу ерда, $I_{БА}$ - ҳисобот даврида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони индекси.

$БА_t$ - ҳисобот даврида банд бўлган аҳоли сони (минг киши);

$БА_{(t-1)}$ - ўтган йилнинг шу даврида банд бўлган аҳоли сони (минг киши).

10. Республика бўйича меҳнат унумдорлиги индекси қуйидаги формула, яъни ЯИМ физик ҳажм индексини республика иқтисодиётида банд бўлган аҳоли сони индексига нисбати орқали ҳисобланади:

$$I_{\text{МУ ЯИМ}} = \frac{I_{\text{ЯИМ}}}{I_{\text{БА ЯИМ}}}$$

бу ерда, $I_{\text{МУ ЯИМ}}$ – республика бўйича меҳнат унумдорлиги индекси (%);

$I_{\text{ЯИМ}}$ – ЯИМ физик ҳажм индекси (%);

$I_{\text{БА ЯИМ}}$ – республика иқтисодиётида банд бўлган аҳоли сони индекси.

11. Ҳудудлар бўйича меҳнат унумдорлиги индекси қуйидаги формула, яъни ЯҲМ физик ҳажм индексини ҳудудлар иқтисодиётида банд бўлган аҳоли сони индексига нисбати орқали ҳисобланади:

$$I_{\text{МУ ЯХМ}} = \frac{I_{\text{ЯХМ}}}{I_{\text{БА ЯХМ}}}$$

бу ерда, $I_{\text{МУ ЯХМ}}$ – ҳудудлар бўйича меҳнат унумдорлиги индекси (%);

$I_{\text{ЯХМ}}$ – ЯХМ физик ҳажм индекси (%);

$I_{\text{БА ЯХМ}}$ – ҳудудлар иқтисодиётида банд бўлган аҳоли сони индекси.

12. Иқтисодий фаолият турлари бўйича меҳнат унумдорлиги индекси қуйидаги формула, яъни иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҚҚ физик ҳажм индексини тегишли иқтисодий фаолият турлари бўйича банд бўлган аҳоли сони индексига нисбати орқали ҳисобланади:

$$I_{\text{МУ ИФТ}} = \frac{I_{\text{ЯККИФТ}}}{I_{\text{БА ИФТ}}}$$

бу ерда, $I_{\text{МУ ИФТ}}$ – иқтисодий фаолият турларининг ЯҚҚ бўйича меҳнат унумдорлиги индекси (%);

$I_{\text{ЯККИФТ}}$ – иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҚҚ физик ҳажм индекси (%);

$I_{\text{БА ИФТ}}$ – тегишли иқтисодий фаолият турлари бўйича банд бўлган аҳоли сони индекси.

4. Якуний қоидалар

13. Меҳнат унумдорлиги ҳисобот даврида иқтисодиётда меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичдир. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун меҳнат унумдорлигининг ўсиши муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда,

ушбу кўрсаткични иқтисодий таҳлил қилишга катта аҳамият берилади. Таҳлиллар аниқ бир даврда ва қатор йиллар динамикасида кўрсаткичларнинг ўзгаришини ҳамда ушбу ўзгаришларга таъсир қилувчи турли омилларни ўрганишни тақозо этади.

14. Жами иш билан банд бўлганларнинг ишлаган умумий вақтидан келиб чиққан ҳолда меҳнат унумдорлиги кўрсаткичини ҳисоблаш иқтисодиётда иш вақтидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Система национальных счетов – 2008, Организация Объединенных Наций, Европейская комиссия, Организация экономического сотрудничества и развития, Международный валютный фонд и Всемирный банк, 2009 г.
2. Руководство ОЭСР по измерению роста производительности на уровне отрасли и на агрегированном уровне, ОЭСР, Париж, март 2001.
3. “Ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш усулида ҳисоблаш бўйича Услубий низом”, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2016 йил 29 июндаги 9-сонли қарори билан тасдиқланган.
4. “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари таснифлагичи (2-тахрир)” Ўзбекистон Республикаси умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ-2), О’зДТ 005:2011.
5. Энциклопедия статистических терминов, Росстат, 2011 г.

Меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш бўйича
Услубий низомга
1-илова

**Меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш учун
иқтисодий фаолият турлари рўйхати**

ИФУТ-2 кодлари	Иқтисодий фаолият турлари
A	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
B	Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш
C	Ишлаб чиқарадиган саноат
D	Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
E	Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш
F	Қурилиш
G	Улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш
H	Ташиш ва сақлаш
I	Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
J	Ахборот ва алоқа
K	Молиявий ва суғурта фаолияти
L	Кўчмас мулк билан операциялар
M	Профессионал, илмий ва техник фаолият
N	Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш
O	Давлат бошқаруви ва мудофаа; мажбурий ижтимоий таъминот
P	Таълим
Q	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
R	Санъат, қўнғил очиш ва дам олиш
S	Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш